

## ШАРТНОМА № 12

(Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш ҳақида)

20 январ 2022 йил.

Қўқон шаҳри.

Ушбу шартнома бир томондан “ООО «Tash-Medical-Technology»” номидан раҳбар Д.Рустамов вакилликда келгусида “Ижрочи” ва иккинчи томондан Бағдод тумани Мактабгача таълим бўлим мудирини О.Зияева вакилликда келгусида “Буюртмачи” ўртасида ҳар икки томоннинг амалдаги “Низом”лари ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги 3953-сонли қарорининг Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган таварлар (ишлар, хизматлар) рўйхатлари тўғрисидаги, 13-бандида “Фавқулодда ҳолатларда ваколатли идоралар томонидан тасдиқланган табиат ҳодисалари, эпидемиялар ва касалликлар тарқалишининг олдини олиш ёки унинг оқибатларини бартараф этиш учун бошқа зарур таварлар (ишлар, хизматлар) бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидаги мазмунда тузилди:

### I. Шартнома предмети.

1.1 “Ижрочи” “Буюртмачи”га ушбу шартномага асосан умумий қиймати 20 000 000 (Йигирма миллион) сўм бўлган дезинфекция воситалари (келгусида “Товар” деб номланади)ни спецификацияга асосан бир маротабалик ёки йиллик талабнома асосида етказиб беради.

1.2. “Ижрочи” эса ўз навбатида ушбу “Товар” лар учун келишилган ҳақни шартноманинг 2-бўлимида белгиланган шартлар асосида “Буюртмачи” га тўлайди.

### II. Тўлов тартиби.

2.1. “Буюртмачи” шартнома имзолангандан сўнг етказиб берилиши лозим бўлган “Товар” умумий қийматининг 30 % ни олдиндан “Ижрочи” нинг ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан тўлайди. Етказиб берилган “Товар” лар тўловининг қолган, яъни 70 % қисми эса “Буюртмачи” томонидан “Товар” қабул қилиб олингандан сўнг 30 (ўттиз) календарь кун ичида тўлиқ тўлаб берилади.

### III. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚўШИМЧА ШАРТЛАР

3.1 Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайди.

3.2 Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

3.3 Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладаи, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувни амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинорий фаолиятда олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айланттириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол- мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қиммат қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундан, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

3.4 Тарафлар таварлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни



амалга ошириши шарт;

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан мурасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида қўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;
- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;
- уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;
- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортикча тўловларни амалга оширмаслик.

3.5 Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

3.6 Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳавда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

### 3.1. “Ижрочи” нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.1.1. “Буюртмачи” томонидан “Товар” умумий нархининг 30 фоизи “Ижрочи” нинг ҳисоб рақамига олдиндан тўлангандан сўнг “Ижрочи” “Буюртмачи” ни “Товар” билан таъминлайди.

3.1.2. “Ижрочи” “Буюртмачи” га тегишли ҳужжатлар асосида “Товар”ни белгиланган тартибда ҳамда белгиланган стандарт сифат даражасида топшириш мажбуриятини олади.

3.1.3. “Ижрочи” “Буюртмачи” га қулайлик яратиш мақсадида “Товар”ни ўз транспорт воситаларида “Истеъмолчи” нинг манзилгоҳига етказиб бериши мумкин. Бу ҳолда транспорт воситаси орқали етказиб бериш харажати “Ижрочи” томонидан қопланади.

3.1.4. “Ижрочи” нинг транспорт воситасида етказилган “Товар” нинг миқдоридан аниқланган камомад ҳамда сифатсизликлар юзасидан “Буюртмачи” “Ижрочи”нинг вакили иштирокида “Товар” етказилган кундаёқ далолатнома тузиб ҳолатни тасдиқлайди. Мазкур далолатномага асосан камомад ҳисоби “Ижрочи” томонидан тўлдирилади. Агарда ушбу ҳаракатлар ўз вақтида амалга оширилмаса эътироз асоссиз деб ҳисобланиб, инobatга олинмайди.

3.1.5. “Ижрочи” Соғлиқни сақлаш тизимидаги юқори ташкилотлар тасдиқлаган марказлашган тақсимот орқали дори воситалари ва мурувват ёрдамларидан келган “Товар”лар билан “Буюртмачи”ни таъминлайди. Тақсимотни тасдиқлаган ташкилотнинг руҳсатисиз “Буюртмачи” “Товар” ни олишга ҳақли эмас. Транспорт харажатлари “Буюртмачи” томонидан қопланади.

### 3.2. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.2.1. “Ижрочи” “Буюртмачи” дан шартнома тузилгандан сўнг етказиб берилиши лозим бўлган “Товар” учун уларнинг умумий қийматининг 30 фоизини олдиндан тўлагандан сўнг 10 календарь кун ичида тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, “Товар”ни ишончнома асосида қабул қилиб олиш ҳуқуқига эга.

3.2.2. “Буюртмачи” “Ижрочидан” дан Ўзбекистон Республикасида фармакологик рўйхатдан ўтказилиб, ишлатишга руҳсат этилган, сифати, маркировка ва ўрамлари амалдаги фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга бўлган “Товар”ларни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Етказиб берилган “Товар” сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмаса, “Буюртмачи” “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддасига мувофиқ “Товар”ни қабул қилишни ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, “Ижрочи”дан сифатсиз ва белгиланган техник талабларга мос келмайдиган “Товар” қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

## V. Томонларнинг мулкӣ жавобгарликлари

4.1. Томонларнинг мулкӣ жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонуни ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

4.2. “Буюртмачи” томонидан “Ижрочи”га берилган йиллик берилган буюртмаларни “Буюртмачи” ушбу шартноманинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ олиши шарт. Акс ҳолда “Буюртмачи”дан Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонунининг 31-моддасига мувофиқ олинмай қолган (олиш асоссиз рад этилган) “Товар” суммасининг 5 фоизи, тез бузиладиган “Товар”лар бўйича эса 10 фоизи миқдорида жарима ундирилади.

4.3. “Ижрочи” томонидан етказиб берилган “Товар” учун тўланиши лозим бўлган тўлов ҳақи “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида амалга оширилмаса, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонунининг 32-моддасига мувофиқ тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланиши лозим бўлган умумий сумманинг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортик бўлмаган миқдорда “Ижрочи” га пеня тўлайди.

4.4. “Буюртмачи” томонидан “Ижрочи”га йиллик берилган буюртмаларни етказиб беришни “Ижрочи” асоссиз равишда кечиктирса, кечиктирилган ҳар бир кун учун “Ижрочи” “Буюртмачи”га етказиб берилмаган “Товар” умумий қийматининг 0,5 фоизи миқдорида, аммо етказиб берилмаган товар умумий қийматининг 50 % дан ортик бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.





# TMT

ООО "Tash - Medical - Technology"  
Республика Узбекистан город Ташкент  
Улица Нукусская дом 86а  
P/C: 2020 8000 4053 9301 4001  
В банке АКБ "Kapitalbank" MFO:00445  
ИНН: 308506938. Тел: +99891-685-2261


“ ” 20\_\_ у № \_\_\_\_\_

*Комиссия областного  
руководства  
Д. Д. Рустамов*

## КОММЕРЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ

№	Наименование товара	Ед. изм	Цена без НДС	НДС
1	АНТИСЕПТИЧЕСКИЙ СПРЕЙ ДЛЯ РУК 5 Л	шт	150 000	Без НДС
2	ГИПОХЛОРИТ НАТРИЯ 17 %	кг	6 500	Без НДС

Директор:



Рустамов Д.Д.



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"TASH-MEDICAL-TECHNOLOGY" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"TASH-MEDICAL-TECHNOLOGY" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

20.05.2021

991905

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308506938

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, MARKAZ-6, 87 UY, 2 XONADON,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan  
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





## **YURIDIK AHAMIYATGA EGA BO'LGAN HUIJATLARNING QONUN HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

**1.Loyihaning turi – Shartnoma.**

**2.Loyihaning nomi-** Bag'dod tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi bilan OOO "Tash-Medikal Techhology" o'rtasida dori-darmon va tibbiy buyumlar bilan ta'minlash haqidagi tuzilgan shartnoma.

**3.Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Bag'dod tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilib, 2022 yil 19 yanvar kuni elektron tizim orqali taqdim etilgan.

Taqdim etilgan shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni talablariga muvofiq tuzilgan.

**Bag'dod tuman yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti:**

**R.Umarov**

